


# **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЖАРҚҮРФОН ТУМАН ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКСИЯСИ БОШЛИҒИ АЛМАРДАНОВ АНВАР УРАЛОВИЧНИНГ ИЮЛ ОЙИ ЯКУНИ БҮЙИЧА ҲИСОБОТИ**



Президентимиз жорий йилнинг 16-март куни Давлат солиқ қўмитасига ташрифи чоғида соҳани такомиллаштириш, хусусан солиқ тизимини рақамлаштириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш, шунингдек, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар билан бевосита мулоқотга киришиб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни тушунтириш юзасидан бир қатор топшириқлар берганди.

Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан Сурхондарё вилояти давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан тадбиркорлик субектларига кўмак бериш учун мунтазам равишда амалий ишлар ташкил қилинмоқда.

“Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи”. Чиндан ҳам, бу тамойил асосида солиқ тизими ходимлари тадбиркорларга энг яқин кўмакчига айланган. Жорий йилнинг июл ойида Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган 54 нафар тадбиркорлик субектларининг 64 та муаммолари ўрганилиб, имтиёзли кредит олиш, дастлабки бухгалтериясини юритиш, ҳисботларни тўлдириш ва топшириш каби 40 дан ортиқ масалалар бевосита солиқ органлари ходимлари кўмагида ҳал этилди. Фаолиятини тўхтатган 4 нафар тадбиркорларга амалий ёрдам бериш орқали фаолиятларини қайта тиклашга эришилди. 64 та корхонадаги 132 нафар норасмий ишловчи фуқароларнинг фаолияти қонунийлаштирилди.

Ҳеч қандай ҳужжатларсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 307 нафар фуқаролар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида

белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний тартибда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдилар.

Яна бир маълумотга эътибор қаратинг. Илгарилари, айрим фуқаролар бирор корхона ва идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмаслиги натижасида пенсия ёшига етганида нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажи йўқлиги муаммосига дуч келарди. Эндиликда, давлатимиз раҳбарининг 2020-йил 8-июнданаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4742-сонли қарорига кўра фуқаролар ўзини ўзи банд қилган сифатида меҳнат стажига эга бўлмоқда. Биргина, Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг 1-август ҳолатига ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони 5 минг 324 нафарга етди.

Албатта, солик қонунчилигига оид янгиликлар мазмун-моҳияти тадбиркорларга чуқурроқ англалилса, унинг ижроси осон кечади. Шунинг учун ҳам солик тўловчилар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этилиб борилмоқда. Эътибор беринг, жорий йилнинг шу даврига қадар ўтказилган 6 та семинарда 1123 нафар тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбиркорларга яратилаётган кенг имконият ва шароитларга қарамасдан уларнинг орасида солиқларни вақтида тўламай келаётганлар ҳам учраб турибди.

Мана масалан, 11 та корхоналарнинг 1,1 млрд сўмлик солик қарзи эвазига уларнинг мол-мулк яъни транспорт воситалари, нотурар обектлари хатлаб олинди. Натижада 34 та корхона томонидан мавжуд 1,2 млрд сўмлик солик қарзини тўлаб берди.

Яна бир муҳим маълумотга эътиборингизни қаратсак, жорий йилнинг 18-июл куни Президентимиз раислигига ўтказилган йиғилишда кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланди. Янги қонун қабул қилингунига қадар кадастр ҳужжатлари йўқ уй-жой эгаларига уч карра оширилган солик қўллаш тартиби тўхтатиб туришга қарор қилинди.